



“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК директори в.б.

Комиссия раиси

С.Ш. Орипов

12.07.2021й.

Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Амир Темурали кўчасини Тошкент Ахборот технологиялари университети жойлашган қисмида замонавий ер усти пиёдалар ўтиш йўлагини қуриш” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг 168-сонли баённомаси

Соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактаблари, колледж ва бошқа турдаги объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги “ЯБХ” ИК томонидан 2020 йил 10 ноябрдаги 180-сонли буйруғи билан комиссия ташкил этилган.

Танлов Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги 472-сонли Қонунига ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 29-мартдаги 346-сонли Қарорига асосан ўтказилмоқда. Танлов асосида харид қилиш умумий қиймати бир шартнома учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баробаридан олти минг баробаригача ташкил этади.

Биржага эълон берилган сана: 29.06.2021 дан 09.07.2021 гача;

ЛОТ рақами: 7125750;

Бошланғич қиймат: 155 000 000 сўм.

Танлов комиссияси раиси ўринбосари

-Бош муҳандис в.б. С. Сағдиев

Комиссия аъзолари:
М. Бобошарипов

- БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Ҳамидов О.

-Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник назорат қилиш бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

- БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Усмонов И.

- БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 29-мартдаги 346-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги “ЯБХ” ИК томонидан “Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Амир Темур кўчасини Тошкент Ахборот технологиялари университети жойлашган қисмида замонавий ер усти пиёдалар ўтиш йўлагини қуриш”, объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш мақсадида 2021 йил 29 июнь санасида dxarid.uzex.uz порталига эълон берилган.

Танловга қуйидаги ташкилотлар ҳужжатларини (пакетлар) тақдим этдилар:

1. “AUTOBAHN-CONSULTING” МЧЖ
2. “TECHNO ART SERVIS” МЧЖ
3. “ALLEGRO DEVELOP PROJECT” МЧЖ

Тақдим этилган ҳужжатлар (пакетлар) комиссия аъзолари иштирокида 2021 йил 12 июль куни очилди. Қуйидаги ташкилотларнинг ҳужжатлари (пакетлар) қўйилган талабларга мос келиши ва ҳужжатлар тўлиқлиги инобатга олиб, таклиф нархлари кўриб чиқилди:

1. “AUTOBAHN-CONSULTING” МЧЖ таклиф қиймати 141 050 000 сўм ҚҚС билан, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати 30 кун;
2. “TECHNO ART SERVIS” МЧЖ таклиф қиймати 141 825 000 сўм ҚҚС билан, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати 30 кун;
3. “ALLEGRO DEVELOP PROJECT” МЧЖ таклиф қиймати 139 500 000 сўм ҚҚС билан, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати 30 кун;


Лойиҳа-смета ишлаб чиқиш муддати ва қийматини шунингдек тақдим қилинган ҳужжатларнинг сифат ва ишончлилиги ўрганилиб комиссия аъзолари фикр алмашган ҳолда:


ҚАРОР ҚИЛДИ:

“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Амир Темур кўчасини Тошкент Ахборот технологиялари университети жойлашган қисмида замонавий ер усти пиёдалар ўтиш йўлагини қуриш”, объекти бўйича таклиф қиймати 139 500 000 сўм ҚҚС билан, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати 30 кун бажариш шarti билан “ALLEGRO DEVELOP PROJECT” МЧЖ лойиҳа ташкилоти ғолиб деб топилсин.


БРБЛ ва ТХРОТ бўлими танловда ғолиб деб топилган лойиҳа ташкилотига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун буюртма хати юборсин ва шартнома расмийлаштирсин.


С. Сағдиев


М. Бобошарипов


О. Хамидов


П. Абдусатторов


И. Усмонов